

2/2023,
mart-
aprell
(№ 00064)



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Рахмонов Норим Раззакович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, иқтисодиёт
фанлари доктори (DSc). Тошкент, Ўзбекистон.*

norimrakhmonov@mail.com

ORCID: 0000 0003 2824 3090

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i21

Аннотация

Мазкур мақолада олий таълим тизимини ислоҳ этилиши ҳамда олий таълим хизматлари бозорининг Ўзбекистондаги ҳолати, олий таълим сифати тушунчалари тўғрисида хорижий ҳамда республикамиз олимларининг фикрлари, мамлакатимизда олий таълим тизимининг ривожланиш тенденцияси ва унинг минтақавий хусусиятлари, олий таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш каби масалалар ёритилган. Шунингдек, олий таълимни модернизация қилиш ва унда нималарга аҳамият бериш ҳамда олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар. олий таълим тизими, олий таълим муассасалари, талабалар сони, таълим сифати, меҳнат бозори, кадрлар тайёрлаш

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РЕФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Рахмонов Норим Раззакович

*Доцент Ташкентского государственного экономического университета, доктор
экономических наук (DSc). Ташкент, Узбекистан.*

Аннотация

В статье освещены такие вопросы, как реформа системы высшего образования и состояние рынка услуг высшего образования в Узбекистане, мнения зарубежных и республиканских ученых о понятиях качества высшего образования, тенденции развития системы высшего образования в нашей стране и ее региональные особенности, обеспечение соответствия между системой высшего образования и рынком труда.

В статье также описана модернизация высшего образования и то, на что необходимо обратить внимание в данном процессе, а также приоритетные направления развития системы высшего образования.

Ключевые слова. система высшего образования, высшие учебные заведения, количество студентов, качество образования, рынок труда, подготовка кадров

PRIORITY DIRECTIONS OF HIGHER EDUCATION SYSTEM REFORM IN UZBEKISTAN

Rakhmanov Norim Razzakovich

Associate Professor of Tashkent State University of Economics, Doctor of Economics (DSc). Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

The article covers issues such as the reform of the higher education system and the state of the market of higher education services in Uzbekistan, the opinions of foreign and national scientists about the concepts of higher education quality, the development trend of the higher education system in our country and its regional characteristics, ensuring compatibility between the higher education system and the labor market. It also talks about the modernization of higher education and the priorities of the development of the higher education system.

Keywords: Higher education system, higher education institutions, number of students, quality of education, labor market, personnel training.

Кириш

Кейинги йилларда Ўзбекистонда жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, олий таълим тизимини сифат жиҳатидан ислоҳ этиш, меҳнат бозори талабларини эътиборга олиш, ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантириш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш концепциясида “таълим тизимини бошқариш, таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш механизмларини амалиётга жорий этиш” долзарб вазифа этиб белгиланган. Ушбу концепциядан келиб чиқиб Ўзбекистон олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди[1]. Унда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгиланиб, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш асосий мақсад этиб белгиланган.

Жаҳондаги етакчи олий таълим муассасаларининг ташкилий ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш борасидаги тажрибасидан мамлакатимиз олий таълим тизимининг сифатини бошқариш механизмида ижодий фойдаланиш таълим сиёсатини ислоҳ этишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 2022 йилда 38%га, 2026 йилда эса 50%га етказиш ва таълим сифатини ошириш, олий таълим муассасалари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим шакллари, шу жумладан масофавий таълим шакли бўйича ҳам қабул квотани шакллантириш, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилаш тартибининг жорий этиш ҳамда 2026 йилда қабул кўрсаткичининг камида 250 мингга етказиш белгиланган[2]. Маълумки, масофавий таълим шаклини жорий этилиши ёшларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Минтақаларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, сиртқи, махсус сиртқи ва кечки ўқув шакллариининг очилиши, қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислоҳотлардан бири саналади[3]. Олий таълим тизимининг

ҳозирги ҳолатини баҳолаш, тайёрланаётган кадрлар таркиби, савияси, сифатининг меҳнат бозори талабларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган илмий тақлифлар ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили ва методлари

Олий таълим тизимини ривожлантириш ва истиқболли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш хорижлик олимлардан В.Фисбаум, А.Рингонд, Вебер, Лус, Ж.Дидинстат, А.Кжан, В.Даленинг илмий тадқиқ ишларида тадқиқ этилган.

МДХ олимлари томонидан рақобат шароитида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг устувор жиҳатлари ўрганилган. Хусусан Е.Н.Жильцов, В.М.Зуев, В.П.Щетина, Н.А.Хременков, А.А.Воронин, Е.В.Егоров, В.А.Носков, Г.П.Сергеев, Д.И.Правдин, И.С.Шаршов, Л.С.Чижов, Р.И.Капелюшников ва бошқаларни алоҳида таъкидлаш мумкин [7].

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим тизимининг ҳолати, ривожланиш тенденциялари ва бошқаришнинг айрим жиҳатлари қуйидаги тадқиқотчиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Хусусан, М.Саидов (2002) томонидан “Олий таълим иқтисодиёти, инвестиция ва маркетинги”, Г.Ахунова (2004) томонидан “Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш” масалалари, А.Кучаров (2006) томонидан “Тадбиркорлик соҳаси учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини такомиллаштириш”, А.Эшбоев (2008) томонидан “Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири, Р.М.Усмонова (2011) томонидан. “Таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш(Олий таълим мисолида)”, Ш.Ш Захидова (2012) томонидан “Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш масалалари” ҳамда Н.Р.Рахмонов (2019) томонидан “Минтақалар олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг методологик жиҳатлари” ўрганилган [7].

Н.Р.Рахмонов томонидан олий таълим тизими ривожланишининг концептуал жиҳатлари, инфратузилмаси, ҳолати, минтақавий жойлашуви ва ривожланиш тенденцияларига таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг йўналишларини белгиловчи минтақавий омиллар, муаммолар ва ечимлари тадқиқ этилган. Олий таълим тизими билан минтақавий меҳнат бозори ўзаро алоқаларини ривожлантириш истиқболлари, минтақаларда олий таълим муассасаларига бўлган талаб, тақлиф ва эҳтиёжнинг мутаносиблигига мос тизимли бошқарув фаолиятини ташкил этиш тамойиллари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар олий таълим муассасалари филиалларининг юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги роли, минтақаларда кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш тамойиллари ва минтақаларда ўрта истиқболда олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш истиқболлари ёритилган[7].

А.Х.Эшбаевнинг тадқиқот ишида таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири кучайтиришга қаратилган бўлиб унда асосан таълим тизимидаги ички ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимизда таълим тизимининг ҳолати ва ривожланиш қонуниятлари, юқори малакали кадрларга бўлган янги талаблар таркиби ва динамикаси аниқланган. Олий

таълим тизимининг юқори малакали кадрларни такрор ишлаб чиқаришдаги роли очиб берилган ва унинг устувор йўналишлари аниқланган. Шунингдек, таълим тизимининг иқтисодий ривожлантиришга таъсирини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилган; таълим тизимининг самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этилган [8].

Р.М.Усманова томонидан олий таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб унда олий таълим хизматлари бозорини ўрни ва моҳияти ҳамда таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Хусусан, республика таълим хизматлари бозорида олий таълим тизимининг ривожланиш динамикаси, олий таълим тизимининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш даражаси ҳамда таълим хизматлари бозорида талаб ва таклифнинг нарх омили таъсиридаги ўзгариши ва унга таъсир этувчи нархдан ташқари омиллар ўрганилган. Олий таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги мувофиқликнинг етарли даражада эмаслиги унинг ривожланишида асосий муаммо эканлиги асосланган. Шунингдек, таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланган [9].

Р.Н.Рахмоновнинг тадқиқот ишида узлуксиз таълим турлари, хусусан мактабгача таълим тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари, умумий ўрта таълим тизими ва унинг ислоҳ этилиши, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этилиши ва ривожланиши ҳамда олий таълим муассасаларининг минтақавий меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлаш ҳолати, динамикасидаги ўзгаришлар, таълим тизимида кадрлар тайёрлашни минтақавий иқтисодий тармоқларига мувофиқлаштириш, меҳнат бозори ва таълим тизимини ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари тадқиқ этилган [10].

Й.Д.Жўраев олий таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқурлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини ўрганиб, унда таълим хизматлари бозорининг иқтисодий категориялари, меҳнат ва таълим хизматлари моделлари, олий таълим билан меҳнат бозори боғлиқлиги моделлари қиёсий таҳлил қилинган. Олий таълим хизматлари бозорининг иқтисодий вазифаси миллий иқтисодийнинг барча тармоқларига юқори малакали кадрларни тайёрлашда намоён бўлиши ҳамда олий таълим хизматларига талабнинг юқори даражада эгилувчанлиги, шунингдек, олий таълим бозори ва меҳнат бозори ўртасидаги алоқалардаги ўзгаришларни истиқболдан келиб чиққан ҳолда ривожлантириб бориш, Давлат таълим стандартларини нафақат ички меҳнат бозори, балки халқаро меҳнат бозорлари талабларига мувофиқлаштириб бориш ҳамда олий маълумотли кадрлар коэффицентини сезиларли даражада ошириш бутун иқтисодий рақобатбардошлигини ошириб боришига хизмат қилиши тадқиқ этилган [15].

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқот ишларнинг аксарият қисми олий таълимни ривожланиши ва маркетинги, менежментининг амал қилиш механизмларини ўрганишга бағишланган. Ўзбекистонда олий таълим тизимининг шаклланиш ва амал қилиш хусусиятлари, унинг жаҳондаги таълим тизимига интеграциялашувининг устувор йўналишлари, меҳнат бозори билан ўзвий боғлиқлигини кучайтириш, олий таълим муассасаларининг минтақавий хусусиятларини эътиборга олиб таълим сифатини ошириш ва бошқаришни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига оид муаммоларнинг долзарблиги етарли даражада ўрганилмаганлиги, ушбу мақола мавзусининг танланишига асос бўлди.

Таълим - бу билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситасидир. Олий таълим муассасалари замон талабларига жавоб берадиган, мамлакатнинг илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини таъминлай оладиган юқори малакали ва рақобатбардош кадрларни етиштириш учун ташкил этилган. Бугунги кунда олий таълим тизимида бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Масалан, олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш муаммоси, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда олий таълим тизимининг иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган муаммолар ва х.к.лар.

Таълим сифати тушунчаси авваламбор, таълимнинг асосий мақсади бўлмиш олийгоҳлардаги талабаларнинг билимлилиги, профессор-ўқитувчиларнинг профессионаллилиги ва таълим бериш жараёнларининг юқори даражада ташкил қилинишига боғлиқ. Таълим жараёни сифатини таълим бериш дастурлари, таълим жараёнига жалб қилинган профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, таълим олувчилар салоҳияти, таълим бериш жараёни воситалари, таълим технологиялари, таълим жараёнини бошқаришнинг сифат даражаси каби омиллар таъминлайди[7].

Олий таълим муассасаларининг сифатини ошириш йўли билан уларнинг рақобатбардошлиги таъминланади. Олий таълим тизимининг рақобатбар-дошлилиги – бу уларнинг меҳнат бозорининг талабларига жавоб бериш қобилияти ва уларнинг бозорда сотилишидир.

Олий таълим тизимидаги ислохотларда Олий таълим муассасаларининг жойлашувини такомиллаштириш ва бакалавриатура йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларига, қатор шарт-шароитлар ва омилларни ҳисобга олган ҳолда, аниқлик киритиш масаласига устувор аҳамият берилиб келинмоқда.

Барқарор иқтисодий ривожланиш шароитида Ўзбекистонда олий таълим тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш ва унинг меҳнат бозорини ривожлантиришга таъсирини кучайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ортиб бормоқда. Олий таълим муассасаларини ҳудудий жойлаштиришда, унга хос йўналишлар ва мутахассисликларни ташкил этишда, иқтисодий географик ўрин ва экологик жараёнлар муҳим роль ўйнаши лозим. Бу, айниқса ўқитувчилар тайёрлашда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқлари йўналишларида қўл келади.

Бугунги кунда ҳудудлар бўйича педагог кадрлар тайёрлаш мамлакатимизда бирмунча ҳисобга олинади. Масалан, Қўқон, Навоий, Жиззах, Чирчиқ ва Нукус давлат педагогика институтлари ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш бўйича минтақа ва минтақалараро муаммоларни ҳал этишда бевосита иштирок этмоқда. Бироқ, мамлакатимизда олий таълим муассасаларини жойлаштиришда иқтисодий-географик ўрин ва экологик жиҳатлар тўлақонли тарзда ҳисобга олинмаяпти[7].

Ушбу мақолани ёритишда қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил, мантиқий ва таққослама таҳлил, тизимли ёндашув, иқтисодий-статистик каби методлардан фойдаланилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон олий таълим тизими кўп босқичли кадрлар тайёрлашни амалга ошироқда. Бу эса олий таълим тизимининг янада мослашувчанлигини таъминламоқда ва талабаларга унинг турли босқичларида таълим олиш имкониятини бермоқда. Кўп поғонали мутахассисларни тайёрлашга ўтиш Ўзбекистон Республикаси олий таълимни жаҳон таълим тизимига кириб боришини таъминлайди.

2022\2023 ўқув йилида республикада 199 та олий таълим муассасалари (ОТМ) фаолият кўрсатди. 1991 йилга нисбатан ОТМлар сони 153 тага (4,3 марта) кўпайди(1-жадвал). Жами ОТМлари таркибида университетлар сони 36та, институтлар сони 48та, академиялар сони 4та ва 1 та консерватория фаолият кўрсатди.

1-жадвал

Муствақиллик йилларида Ўзбекистон олий таълим тизимининг ривожланиш тенденцияси[11; 12.]

Йиллар	ОўЮ сони, бирликда	Талабалар сони (минг киши)	Қабуллар сони (минг киши)	Битирувчилар сони (минг киши)
1991	46	337,4	58,2	53,3
2000	61	183,6	44,7	31,6
2010	79	286	62,4	74,9
2020	127	571,5	174,9	83,9
2021	154	808,4	235,9	103,8
2022	199	967,7	210,3	119,8

Муствақиллик йилларида ҳар бир минтақада ҳудудий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун мутахассислар тайёрлайдиган университет ва қатор ихтисослашган институтлар ташкил этилди. Жами ОТМларнинг 113 таси (56,8%) Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда жойлашган. Шунингдек, ОТМларнинг 114 таси (57,3%) давлат ОТМ, 55 таси(27,6%) нодавлат ОТМ ва 30 таси (15,1%) хорижий ОТМ ташкил этди[9.]. Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда хорижий давлатларнинг йирик олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш кўлами кенгайиб бормоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимиз олий таълим тизимида 2026 йилга қадар Қорақалпоғистон Республикасида 5 та нуфузли маҳаллий ва хорижий олийгоҳларнинг филиалларини, Тошкент вилоятида Нурафшон давлат университетини, Самарқанд шаҳрида хорижий давлатларнинг етакчи техника университетини билан биргаликда Самарқанд технология университетини, Андижон вилоятида 4 та хусусий олийгоҳ, Наманган вилоятида 7 та олийгоҳ, хусусан чет тиллари институтини ташкил этиш асосида ҳудудлардаги ёшларни олий таълим билан қамровини 50 фоизга етказиш вазифалари белгиланган[2].

Ўзбекистонда 2022/2023 ўқув йилида талабалар сони 967,7 мингдан ортиқни (шундан 942,7 минг бакалавр, 25 минг магистр) ташкил этди ва ушбу кўрсаткич 1991\1992 ўқув йилидаги кўрсаткичга нисбатан деярли 3 мартага ортди(1-жадвал). Талабалар сони 1991-2000 йиллар давомида 54,4%га қисқарган бўлса, 2001-2010 йиллар давомида улар сони 50%га ортди. 2010-2020 йиллар оралиғида

мамлакатимизда талабалар сони 2 мартага кўпайди. Охириги икки йилда эса 169,3%га (396,2 минг) ошди ва мустақилликнинг дастлабки йилидаги кўрсаткичга нисбатан 2,9 мартага кўпайди.

Мустақилликнинг дастлабки 10 йиллигида талабалар сонининг қисқаришига олий таълим муассасаларига қабул сонининг қисқариши, сиртки ва кечки таълим шаклининг тугатилиши, алоҳида мутахассисликларга қатъий қабул сонининг белгилаб қўйилиши ва бошқа омиллар таъсир кўрсатди. 2000-нчи йилдан кейинги даврда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиши, хусусан, ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртки ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши талабалар сонинг ошишига олиб келди.

Олий таълим муассасалари ва талабалар сони минтақалар кесимида нотекс жойлашган(2-жадвал).

2-жадвал

Минтақалар кесимида олий таълим тизимининг жойланиши ва ривожланиш тенденциялари[11; 13]

Ҳудудлар	ОТМ сони, бирликда		Талаба сони, минг		10000 аҳолига нисбатан талабалар сони	
	1991/ 1992 ў/й.	2021/ 2022 ў/й.	1991/ 1992 ў/й.	2020/ 2021 ў/й.	1991/ 1992 ў/й.	2021/ 2022 ў/й.
Ўзбекистон Республикаси	46	154	337,4	808,4	163	229
Қорақалпоғистон Республикаси	2	10	9,9	46,6	77,7	239,3
Вилоятлар:						
Андижон	4	8	17,7	47,6	98,6	146,3
Бухоро	2	6	15,0	44,0	125,0	222,6
Жиззах	1	4	6,8	30,0	85,3	207,8
Қашқадарё	1	6	10,0	44,2	58,9	129,7
Навоий	0	2	4,5	21,7	65,7	209,9
Наманган	1	3	11,0	41,8	70,6	142,6
Самарқанд	6	14	40,0	70,8	181,0	175,6
Сурхондарё	1	7	7,8	39,9	58,4	145,4
Сирдарё	1	2	6,2	16,8	110,2	191,2
Тошкент	2	8	17,1	42,8	79,7	145,6
Фарғона	3	11	21,5	62,3	96,5	159,9
Хоразм	1	6	4,8	28,7	44,9	149,1
Тошкент ш.	21	67	165,4	271,2	769,7	947,5

2022 йилда ОТМ ларнинг 86 таси(43%) Тошкент шаҳрида жойлашган. Уларда 266,7 минг нафар (27,5%) талабалар тахсил оладилар. Шунингдек, ОТМ ва талабалар

сонининг нисбатан юқори кўрсаткичи Самарқанд, Фарғона вилоятларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади

Ўзбекистонда 10 минг кишига тўғри келган талабалар сони 2022 йилда 229 тани ташкил этди. Мустақиллик йилларида республикада 10 минг кишига тўғри келган талабалар сони 66 тага кўпайди. Бироқ, бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида ўрганилаётган даврда 5,4 талабага қисқарган. Қолган барча ҳудудларда 10 минг кишига тўғри келган талабалар сони ошган. Жумладан, Тошкент шаҳрида таҳлил этилаётган даврда талабалар коэффиценти -177,8 тага, Қорақалпоғистон Республикасида -161,6 тага, Навоий вилоятида -144,2 тага, Жиззах вилоятида 122,5 тага ва Хоразм вилоятида 104 тага ортган. Қолган ҳудудларда талабалар коэффиценти 50 билан 100 нинг орасида кўпайган. Бунга эса ҳудудларда янги ОЎЮ, нодавлат ОТМ ҳамда хорижий ОТМ филиаллари очилиши, сиртқи ва кечки таълим ҳамда хусусий олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши ҳамда қабуллар сонининг ортиши ижобий таъсир кўрсатди. Шунга қарамасдан, Ўзбекистонда 10 минг кишига тўғри келадиган талабалар сони жиҳатидан жаҳон стандартларига қараганда пастроқ ўринни эгаллайди.

Охириги йилларда Ўзбекистонда ОТМга талабаликка қабуллар сони кескин ошди. 2021/2022 ўқув йилида ОТМга қабуллар сони 235,9 минг нафардан ошди. Бу кўрсаткич 2000/2001 ўқув йилига нисбатан 5,3 мартага ортган(3-жадвал).

ОТМга қабуллар сонининг ортиши барча минтақаларда кузатилади. 2000/2001-2021/2022 ўқув йиллари орасида талабаликка қабул қилиш Жиззах (15,7 марта), Сирдарё (12 марта) ва Сурхондарё (11,5 марта) вилоятларида энг катта кўрсаткичга эга бўлди. Шунингдек, биз таҳлил этаётган давр орасида талабалар қабул қилиш 9 ва 8 мартадан ортиқни ташкил этган ҳудудларга Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари кирди. Хулоса қилиб айтилганда 2021/2022 ўқув йилида мамлакатимиз аҳолисининг ҳар 10000 тасига 66,9 та қабул қилинганлар тўғри келди. Бу кўрсаткич фақат Тошкент шаҳридагина юқори(344,1). Қолган барча ҳудудларда паст.

ОТМга қабуллар сонининг ортиши барча минтақаларда кузатилади. 2000/2001-2021/2022 ўқув йиллари орасида талабаликка қабул қилиш Жиззах (15,7 марта), Сирдарё (12 марта) ва Сурхондарё (11,5 марта) вилоятларида энг катта кўрсаткичга эга бўлди. Шунингдек, биз таҳлил этаётган давр орасида талабалар қабул қилиш 9 ва 8 мартадан ортиқни ташкил этган ҳудудларга Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари кирди. Хулоса қилиб айтилганда 2021/2022 ўқув йилида мамлакатимиз аҳолисининг ҳар 10000 тасига 66,9 та қабул қилинганлар тўғри келди. Бу кўрсаткич фақат Тошкент шаҳридагина юқори(344,1). Қолган барча ҳудудларда паст.

Ўз навбатида Ўзбекистонда 2021/2022 ўқув йилида олий таълим муассасаларини битирувчилар сони 103,9 минг нафарни ташкил этди ва бу кўрсаткич 2000/2001 ўқув йилига нисбатан 3,3 мартага ортган.

2022 йилда мамлакатимиз аҳолисининг ҳар 10000 тасига 29,5та битирувчи тўғри келди. 10000 та аҳолига нисбатан битирувчилар сони Тошкент шаҳрида 120,2 тани, Навоий вилоятида 37,7тани, Қорақалпоғистон Республикасида 33,4тани ва Бухоро вилоятида 31,4 тани ташкил этди. Қолган ҳудудлар республика ўртача кўрсаткичидан паст.

Минтақалар кесимида Олий таълим муассасаларини битирганлар ва қабул қилинганлар сони динамикасидаги ўзгаришлар[12; 13]

Худудлар	Битирувчилар сони, минг		Қабуллар сони, минг		2021/2022 ў/й 10000 аҳолига тўғри келган	
	2000/2001 ў/й.	2021/2022 ў/й.	2000/2001 ў/й.	2021/2022 ў/й.	Битирувчилар сони	Қабуллар
Ўзбекистон Республикаси	31,6	103,9	44,7	235,9	29,5	66,9
Қорақалпоғистон Республикаси	2,2	6,5	1,8	10,4	33,4	53,4
Вилоятлар:						
Андижон	2,8	6,4	2,0	10,4	19,7	32,0
Бухоро	2,6	6,2	1,4	12,3	31,4	62,2
Жиззах	1,1	3,6	0,6	9,4	24,9	65,1
Қашқадарё	1,7	5,9	1,3	11,0	17,3	32,3
Навоий	1,2	3,9	1,0	5,6	37,7	54,2
Наманган	1,8	5,5	1,2	10,5	18,8	35,8
Самарқанд	3,3	8,5	2,9	19,9	21,1	49,4
Сурхондарё	1,4	3,6	0,9	10,4	13,1	37,9
Сирдарё	0,7	2,2	0,4	4,8	25,0	54,6
Тошкент	1,9	3,7	1,4	11,7	12,6	39,8
Фарғона	2,7	9,3	2,1	13,7	23,9	35,2
Хоразм	1,0	4,2	0,8	7,3	21,8	37,9
Тошкент ш.	20,3	34,4	13,8	98,5	120,2	344,1

Таълим сифатини оширишда профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. 2022 йил Ўзбекистондаги мавжуд олий таълим муассасаларида 34539 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатди[9.]. Профессор-ўқитувчилар таркибида фан докторлари сони 2799 нафарни, фан номзодлари эса 10651 тани ташкил этиб, илмий салоҳиятга эга ўқитувчилар сони 13450 кишини ташкил этди ва олий таълим тизимидаги илмий салоҳият даражаси 38,9%га тенг бўлди. Ушбу кўрсаткич тараққий этган мамлакатларга нисбатан жуда паст ҳисобланади.

Муҳокама

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш миллий тизими ислоҳ қилинишига қарамасдан баъзи муаммолар учраб турибди. Хусусан, олий таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги мувофиқликнинг етарли даражада эмаслиги олий таълим тизими ривожланишидаги асосий муаммолардан биридир. Ушбу муаммоларнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: олий таълим тизими муассасаларининг меҳнат бозоридаги малакали ишчи кучига бўлган талабни ўрганиш ва кадрларни тайёрлашни узоқ муддатга истиқболлаштириш билан етарли даражада шуғуллана олмаётганлиги; хозиргача олий таълим муассасалари минтақавий меҳнат бозори талабларидан эмас балки ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мутахассисларни тайёрлаб келаётганликлари; тайёрланган олий маълумотли кадрларнинг кўпчилиги иш

берувчиларнинг талабларига жавоб бермаслиги; иш берувчиларнинг олий таълим муассасалари билан алоқаларни йўлга қўйиш бўйича қизиқишлари ва манфаатдорлигининг йўқлиги ва х.к. Буларнинг барчаси макро ва микроиқтисодий даражада олий таълим тизими ва минтақавий меҳнат бозори ўртасидаги мувофиқликни аниқлашни талаб этди.

Олий таълим муассасалари битирувчилари ўз касбларини эгаллаш билан бир қаторда компьютер ва чет тилларини мукамал ўрганишлари учун тегишли махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнига интерактив усулларни кенг жорий этиш, моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш таълим бериш сифатини ошишига ва ўқитишни ташкил этиш жараёнини яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, олий таълим муассасалари ва меҳнат бозори ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга эътиборни янада кучайтириш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Олий таълим тизими орқали меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлаш ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш, шунингдек минтақаларда олий таълимга бўлган талаб ва таклифнинг қай даражада мутаносиблигини аниқлаш унинг имкониятларини белгилашга ёрдам беради. Олий таълим тизимини барқарор ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг хом ашёга асосланган моделидан янги тежамкорлик технологияларга асосланган моделига ўтишга имкон яратади.

Олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари меҳнат бозори талабларига мос бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари маҳаллий меҳнат бозори орқали олий ўқув юртларига ўз талабларини қўймоқда. Талабнинг мавжудлиги ўқув муассасалари ихтиёридаги ресурсларни ушбу талабларни қондиришга йўналтириш имконини беради, бу эса талабаларни ўқитиш сифатининг ошишига олиб келади. Шунингдек, минтақаларда жойлашган олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагогик ходимлар таркибида илмий салоҳиятга эга бўлганларнинг сонини мунтазам равишда ошириб бормоқ зарур.

Таълим сифатини оширишда профессор-ўқитувчилар таркибини даражаларга бўлиш, даражаларга бўлишда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг билимини, педагогик кўникмасини ҳамда илмий тадқиқот ишларида ва янги адабиётлар яратишдаги ўрнини ҳисобга олиш, умуман профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобат муҳитини юзага келтириш зарур. Профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш тизимини янада такомил-лаштириш асосида ўқитувчиларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини ошириш асосида таълим сифатини кескин яхшилаш мумкин.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда вазирликлараро мониторинг марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёнини яхшилашда сифатли дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларни кейинчалик ўз бизнесини йўлга қўйишга йўналтириш мақсадида семинар тренинглари ва турли

танловлар кўламини янада кўпайтириш, аниқ режа дастурларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

6. Вахабов А., Имамов Э. Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. М. 2007. 214 с.

7. Рахмонов Н.Р. Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг методологик жиҳатлари. Монография.-Т.: “ЎЗМУ кичик босмахонаси”, 2019. -248 б.

8. Эшбоев А.Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодий ривожлантиришга таъсири. И.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Тошкент. 2008 й. 25 б.

9. Усмонова Р.М. Таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш (олий таълим мисолида) И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. - Т.: 2011й. 25б.

10. ЁФ1-ОТ-0-10203. Тадқиқот лойиҳаси: “Таълим тизимидаги ислохотларни минтақавий меҳнат бозорига таъсири”(якуний ҳисоботи, 2015 йил). Лойиҳа илмий раҳбари Р.Н.Рахмонов.

11. Узбекистан в цифрах 1991-2000. Госкомстат РУз.

12. Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги банк маълумотлари.

13. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами 2000-2021. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент. 2022.

14. Йиллик статистик тўплам 2010-2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент.2017.

15. <https://itm.uz/ru/jurnal-ekonomika-i-finansy-5-2017/>